

Етти асос



08:00 / 01.11.2020 1928

Абулқосим Исфаҳоний айтади: «Фирқалар қуйидаги етти асос ҳақида сўз юритиш туйфайли залолатга кетган:

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Зоти борасидаги сўз;

У Зотнинг сифатлари борасидаги сўз;

У Зотнинг феъллари борасидаги сўз;

Ваид (қўрқитиш) ҳақидаги сўз;

Иймон борасидаги сўз;

Қуръон борасидаги сўз;

Имомат масаласидаги сўз.

Мушаббихалар Аллоҳнинг Зоти борасида залолатга кетган;
жаҳмийлар Аллоҳнинг сифатлари борасида залолатга кетган;
қадарийлар Аллоҳнинг феъллари борасида залолатга кетган;
хорижийлар вайд борасида залолатга кетган;
муржийлар иймон борасида залолатга кетган;
муътазилийлар Қуръон борасида залолатга кетганлар;
рофизийлар эса имомат масаласида залолатга кетган».

«Солиҳлар гулшани» китобидан